

Макка ҳарамининг фазли ҳақида



16:54 / 29.08.2017 7057

Аллоҳ таоло:

«Иброҳимнинг: «Роббим, буни омонлик юрти қилгин ва аҳлидан Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирганларини мевалар ила ризқлантиргин», деганини эсла», деган («Бақара» сураси, 126-оят).

Ушбу оятда Иброҳим алайҳиссалом тилларидан Байтуллоҳнинг омонлик маскани бўлиши ва Аллоҳнинг мукофоти мўминларгагина сўралишининг хабари келмоқда.

«Роббим, буни омонлик юрти қилгин ва аҳлидан Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирганларини мевалар ила ризқлантиргин», демоқдалар.

Аллоҳ таоло бу дуони қабул айлаган. Ҳозиргача Ҳарами Шариф дунёнинг энг омон нуқтаси ва ўзида мевалар ўсишига шароит бўлмаса ҳам дунёнинг энг мева сероб нуқтаси бўлиб келмоқда.

Аллоҳ таоло:

«Мен ушбу шаҳарнинг Робби - уни ҳаром қилган Зотга ибодат қилишга амр этилдим, холос. Ҳамма нарса Униқидир. Ва мусулмонлардан бўлишга амр этилдим», деган («Намл» сураси, 91-оят).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай демоқдалар: «Менга амр қилинган нарса битта. У ҳам бўлса, ушбу Макка шаҳрининг Роббига, уни ҳаромга айлантирган Зот – Аллоҳгагина ибодат қилишдир.

У ҳамма нарсага эга бўлган Зотдир.

«Ва мусулмонлардан бўлишга амр этилдим».

Бу оят ҳам ҳарамни шарифнинг улуғлигини яна бир бор таъкидламоқда.

Аллоҳ таоло:

«Биз уларга эмин ҳарамни макон қилиб бермадикми?! У ерга ҳар нарсанинг мевалари даргоҳимиздан ризқ ўлароқ йиғилади-ку! Аммо кўплари билмаслар», деган («Қасос» сураси, 57-оят).

Ушбу оятда Ислом йўлида юришдан ўзини олиб қочганларнинг баҳонаси келтирилиб, муноқаша қилинмоқда. Яъни У Зот:

«Биз уларга эмин ҳарамни макон қилиб бермадикми?!» демоқда.

Аллоҳ таоло Маккаи мукаррамани ҳарам қилиб қўйди. У ерда уруш қилиш, ҳатто қурол кўтариб юриш мумкин эмас. Мушриклар нимадан қўрқадилар ўзи? Ҳарамнинг ҳудудида туриб, ҳидоятга эргашсак, еримиздан ҳайдалишимиздан қўрқамиз, дейдиларми? Шунингдек, Ислом ҳукми жорий бўлган ҳар бир жойда тинчлик-омонлик ҳукм сурган, одамлар узоқ жойларга сафар қилганларида ҳайвонлари ҳам омонда бўлган. Энди эса Исломга амал қилсак, у бўлишидан қўрқамиз, унга амал этсак, бу бўлишидан қўрқамиз дейдиларми?

«У ерга ҳар нарсанинг мевалари даргоҳимиздан ризқ ўлароқ йиғилади-ку!»

Ҳеч нарса унмайдиган Маккага дунёдаги ҳамма ризқ тўлиб-тошиб келиб турадиган қилиб қўйилган-ку! Нимага энди Макка аҳли ҳидоятга эргашсак, у бўлади, бу бўлади деб баҳона қиладилар?

Шунингдек, Ислом шариати тўлиқ амалда бўлган мусулмонлар диёрида закот оладиган муҳтож одам топилмай қолиб, уламолар нима қилишни билмай, бошлари қотган. Бу дегани, мусулмон юртда яшаётган кишилар ҳаммаси закот берадиган даражада бой бўлишган деганидир. Энди нимага одамлар, Исломга амал қилинса, у бўлади, бу бўлади деб қўрқитилади? Чунки бу ҳақиқатларни билган биледи, холос.

«Аммо кўплари билмаслар».

Ана ўша билмаганлар ишни расво қилиб келмоқдалар. Хўш, Исломдан ҳадиксираб, унга амал қилсак, хавф-хатарда қоламиз, маишатимиз бузилади деган одамларнинг оқибатлари нима бўлган эди?

1566. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Хузоъаликлар Макка фатҳи йили Бани Лайдан бир кишини улар қатл этган бир одамнинг ўчини олиш учун қатл қилдилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга бу ҳақда хабар берилди. Бас, у зот уловларига миндилар ва хутба қилиб:

«Албатта, Аллоҳ Маккадан филни тутиб қолди ва унга Ўз Расулини ва мўминларни султонли қилди. Огоҳ бўлинглар! Албатта, у мендан олдин ҳеч кимга ҳалол бўлмаган ва мендан кейин ҳам зинҳор ҳеч кимга ҳалол бўлмагай. Огоҳ бўлинглар! У мен учун куннинг бир соатига ҳалол қилинди, холос. Огоҳ бўлинглар! Албатта, у бу соатимда ҳаромдир. Унинг тикани юлинмас ва дарахти кесилмас», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Ови ҳуркитилмас, тушиб қолган нарсасини (эгасини) изловчидан бошқа ололмас. Кимнинг қатл қилинган ўлиги бўлса, унинг икки нарсадан хоҳлаганини қилишга ҳаққи бор. Ёки унга (дия) берилади ёки қасос олинади», дедилар.

Шунда Яман аҳлидан бўлган Абу Шоҳ исмли бир киши туриб:

«Менга ёзиб беринг, эй Аллоҳнинг Расули!» деди.

«Абу Шоҳга ёзиб беринглар», дедилар.

Кейин Қурайшдан бир киши:

«Изхир бундан мустасно. Биз уни уйларимиз ва қабрларга қўямиз», деди.

Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Изхир бундан мустасно», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ривоятда зикри келаётган ҳодисалар Макка фатҳига оиддир. Ҳудайбия сулҳида хоҳлаган киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шартномасига, хоҳлаган киши Қурайшнинг шартномасига қўшилишига келишилган эди. Ана ўша бандга биноан, Бани Лайс Қурайш шартномасига, Ҳузоъа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шартномасига қўшилган эдилар.

Бани Лайс билан Ҳузоъанинг ўртасида қадимдан адоват бўлиб, Ислом келганидан кейин бу адоват тўхтаган эди. Ҳудайбия сулҳи тузилгандан кейин бу икки қабила яна бир-бирига қарши бўлиб, душманликлари янгиланди.

Бани Лайс қабиласи пайтдан фойдаланиб, Ҳузоъадаги эски ўчини олмоқчи бўлди. Ҳузоъаликлар ўз сувхоналарида машғул бўлиб турганларида улар тўсатдан ҳужум қилиб, бир неча кишини ўлдирдилар. Тўс-тўполон бўлиб, орада уруш чиқди. Қурайш қабиласи ўзи билан шартнома имзолаган Бани Лайс қабиласига қурол етказиб берди, ҳатто қурайшнинг кўзга кўринган одамлари кечаси билдирмай бориб, урушда иштирок этишди. Ҳузоъаликлар ҳарамга қараб қочишди. Ҳарамга етиб келишгач, Бани Лайсликларнинг баъзилари:

«Энди ҳарамга кирдик. Худодан қўрқинглар! Худодан қўрқинглар!» дейишди. Бошқалари эса:

«Бугун Худо йўқ! Эй Бани Лайс, ўчингизни олиб қолинг! Бундан кейин қулай фурсат келмайди!» деди.

Бу ҳодисадан кейин Ҳузоъа қабиласидан Амр ибн Солим қирқ отлиқ билан Мадинаи мунавварага, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди. У зотдан ўзлари билан Ҳузоъа ўртасида шериклик шартномаси борлигини эслатиб, ёрдам сўради. У Қурайш у зот билан тузган сулҳни бузганлигини, сувхонага келиб, рукуъ ва саждада турган кишиларни қатл қилганларини айтди. Шунда у зот:

«Сенга нусрат берилур, эй Амр ибн Солим!» дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Амр ибн Солимга ёрдам бериш ҳақида гапирган бўлсалар ҳам ҳақиқатни текшириб кўрдилар. У зот Қурайшга одам юбориб, хабарни айтдилар ва уларни уч нарсадан бирини танлашга чақирдилар. Шартга кўра, улар ё Ҳузоъалик ўлдирилган кишиларнинг хунини тўлайди, ё Ҳузоъага қарши ҳужум уюштирган аҳдбузарларни ўз шериклигидан чиқаради, ёки аҳдни бузиб, уруш

қилинади.

Қурайш урушни ихтиёр қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга тайёргарлик кўриш ҳақида буйруқ бериб, бу ишни сир тутиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Саккизинчи ҳижрий сананинг Рамазон ойида ўн минг лашкар билан Мадинадан Маккага йўл олдилар.

Лашкар «Марриз Заҳрон» деган жойга қўнди. Аллоҳ таоло бу ҳақда Қурайшни кўзини кўр, қулоғини қар қилиб қўйган эди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ривоятда зикри келаётган хутбани ана шу ҳаракатлар жараёнида қилганлар.

У зот: «Албатта, Аллоҳ Маккадан филни тутиб қолди» деганларида қуйидаги ҳодисаларни кўзда тутганлар:

У зотнинг туғилган йиллари Яман ҳокими Абраҳа Каъбани бузиб ташлаб, ҳаммани черковга буришни қасд қилди. Шу мақсадда катта аскар тўплади, урушга керак бўладиган барча нарсаларни олди, арабларнинг қалбига даҳшат солиш учун кўплаб филлар билан Маккага қараб юрди. Йўлда ҳеч қандай қаршиликка учрамай Тоифдан Маккага яқинлашиб, Миғлас деган жойга қўнди. Абраҳа аскар у филларини тўплаб, Каъбани бузишга юрмоқчи бўлганида филлар ётиб олиб, ҳеч ўринларидан турмади. Бошқа тарафга буришса, фил тезлаб юрди, лекин яна Макка тарафга буришса, ётиб олаверди.

«ва унга Ўз Расулини ва мўминларни султонли қилди».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ саҳобаи киромларга Мадинадан Маккага юриш қилиб, бу муқаддас шаҳарни фатҳ қилиш имконини берди.

«Огоҳ бўлинглар! Албатта, у мендан олдин ҳеч кимга ҳалол бўлмаган ва мендан кейин ҳам зинҳор ҳеч кимга ҳалол бўлмагай».

Маккада қурол кўтариб юриш, душманларни ўлдириш у зотдан олдин ҳеч кимга ҳалол бўлмаган.

«Огоҳ бўлинглар! У мен учун куннинг бир соатига ҳалол қилинди, холос».

Ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлар ҳаром қилинган Маккаи мукаррама шаҳри Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам учун бир кунга, ўша куннинг ҳам бир соатига ҳалол қилинди. Бу кун ҳижратнинг саккизинчи йили, Рамазон ойининг йигирманчиси эди.

«Огоҳ бўлинглар! Албатта, у бу соатимда ҳаромдир. Унинг тикани юлинмас ва дарахти кесилмас», дедилар».

Ҳарамда нафақат уруш, балки бошқа бир қанча ишларни қилиш ҳам ҳаром. Жумладан, у ернинг тиканини юлиш ва дарахтининг бирорта шохини бўлса ҳам кесиш ҳаром.

«Ови ҳуркитилмас, тушиб қолган нарсасини (эгасини) изловчидан бошқа ололмас».

Ҳарами Шариф ҳудудида яшайдиган ов ҳайвонларини нафақат ўлдириш, балки ҳуркитиш ҳам, паррандаларининг тухумини олиш ҳам мумкин эмас. Шунингдек, у ҳудудда тушиб қолган нарсаларни фақат ўша нарсанинг йўқолганини эълон қилиш ва эгасини ахтариш маъносидагина олишга рухсат берилади.

«Кимнинг қатл қилинган ўлиги бўлса, унинг икки нарсадан хоҳлаганини қилишга ҳаққи бор. Ёки унга (дия) берилади ёки қасос олинади»

Бу ҳукм барча жойларда баробар амал қилинадиган ҳукмдир.

«Шунда Яман аҳлидан бўлган Абу Шоҳ исмли бир киши туриб:

«Менга ёзиб беринг, эй Аллоҳнинг Расули!» деди.

«Абу Шоҳга ёзиб беринглар», дедилар».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккаи мукаррамани фатҳ қилган кунлари одамларга гапириб бўлганларидан сўнг яманлик Абу Шоҳ исмли киши:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менга ёзиб беринг», деган.

У Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган гапларнинг ҳужжат сифатида сақланиб туришини хоҳлаган ва у зотдан ёзиб беришларини сўраган. Абу Шоҳнинг фикрини тасдиқлаб, саҳобаларга ёзиб беришни амр қилганлар. Демак, илмни сақлаш учун ёзиб, қайд қилиб қўйиш яхши экан. Бу иш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам

тасдиқлаган ва амр қилган нарсалар сирасига киради.

Ушбу ҳадисга амал қилиб, мусулмонлар илмни илмий баҳс ва китоб шаклида ёзиб боришган ҳамда бу ишга қатъий амал қилишган. Бир замонлар дунёнинг ҳеч бир жойида ўқиш-ёзиш бўлмаганда мусулмон юртларда ҳамма ёзишни билган.

«Кейин Қурайшдан бир киши:

«Изхир бундан мустасно. Биз уни уйларимиз ва қабрларга қўямиз», деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Изхир бундан мустасно», дедилар».

Бу киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анҳу бўлганлар. Шундай қилиб, Ҳарами Шариф ҳудудидаги изхир дарахтини кесишга истисно тариқасида изн берилган.

1567. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка фатҳи куни:

«Ҳижрат йўқдир. Лекин жиҳод ва ният бордир. Қачон сиздан қўзғолиш талаб қилинса, қўзғолинг. Албатта, бу юртни Аллоҳ осмонлару ерни халқ қилган куни ҳаром қилган. У қиёмат кунигача Аллоҳнинг ҳурмати ила ҳаромдир», дедилар».

Икки шайх ривоят қилганлар.

Бошқа бир ривоятда:

«Сизлардан бирортангизга Маккада силоҳ кўтариш ҳалол эмас», дейилган.

Шарҳ: Макка фатҳ қилинишидан олдин шаҳар аҳолисидан мусулмон бўлганларига Мадинага ҳижрат қилиш вожиб эди. Макка фатҳ бўлганидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳижрат йўқдир», деган эълонни қилдилар. Чунки энди Макка ҳам мусулмонлар юртига айланган эди.

«Лекин жиҳод ва ният бордир. Қачон сиздан қўзғолиш талаб қилинса, қўзғолинг».

Жиход ва ният бардавом бўлади. Уларнинг вожиблиги ҳижратга ўхшаб, вақтинчалик бўлмайди.

«Албатта, бу юртни Аллоҳ осмонлару ерни халқ қилган куни ҳаром қилган. У қиёмат кунигача Аллоҳнинг ҳурмати ила ҳаромдир»

Шунинг учун бу юртнинг ҳурматини сақлаш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг муқаддас бурчидир.

«Сизлардан бирортангизга Маккада силоҳ кўтариш ҳалол эмас»

Чунки Маккада силоҳ – қурол ишлатиш ҳаромдир. Аммо эҳтиёт чораси сифатида олиб юрилса бўлади.

1568. Абу Шурайх ал-Адавий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У киши Маккага аскарларни юбораётган Амр ибн Саъийдга:

«Эй амир, менга изн бер. Мен сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка фатҳининг эртасига айтган гапларини айтиб берай. Уни икки қулоғим эшитган ва қалбим жо қилиб олган. Уни гапирган чоғларида икки кўзим у зотни кўрган. У зот Аллоҳга ҳамду сано айтдилар ва:

«Албатта, Аллоҳ Маккани ҳаром қилгандир. Уни одамлар ҳаром қилмаган. Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган одам учун унда қон тўкиш ҳалол эмас. Унда дарахтни кесмас. Агар бирортаси Расулуллоҳнинг унда қитол қилганларини баҳона қилиб, ўзига рухсат топса, унга «Аллоҳ Ўз Расулига изн берган, сизларга изн берган эмас», денглар. Албатта, Аллоҳ менга унда наҳордан маълум соатга изн берган, холос. Бугунги кунда унинг ҳурмати худди кечаги кунгидек қайтди. Бас, шоҳид ғойибга етказсин», дедилар.

Абу Шурайхга:

«Ўшанда Амр сенга нима деди?» дейилди.

«Мен уни сендан кўра яхши биламан, эй Абу Шурайх! «Албатта, ҳарам осийни паноҳига олмас. Қон тўкиб қочгани ҳам, хиёнат қилиб қочгани ҳам», деган», деди».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ривоятда зикри келаётган ҳодисалар Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу Язийд ибн Муовияга байъат қилмай, Маккада ўз ҳукмини ўрнатгач, Язийднинг фармониغا биноан, унинг Мадинадаги амири Амр ибн Саъийд унга қарши уруш қилиш учун Маккага аскарлар юбораётган бир пайтда бўлиб ўтган. Ўшанда Абу Шурайҳ розияллоҳу анҳу Маккага аскар юборилишига эътироз билдириб, бу иш шариатга хилоф эканлигини баён қилишга уринган.

1569. Абдуллоҳ ибн Адий ибн Ҳамро розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳазварада туриб:

«Аллоҳга қасамки, албатта, сен Аллоҳнинг энг яхши ерисан ва Аллоҳнинг Ўзига энг маҳбуб ерисан. Агар мен сендан чиқарилмаганимда чиқмасдим», деганларини эшитдим».

Шарҳ: Ҳазвара – Маккадаги жойнинг номи.

1570. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага:

«Сен мен учун қандай ҳам хушхол ва маҳбуб юртсан. Агар қавмим мени сендан чиқармаганларида, сендан бошқа ерни маскан тутмас эдим», дедилар».

Иккисини Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Бу икки ҳадиси шарифдан Маккаи мукарраманинг фазли қанчалар улуғ эканлигини яна бир бор билиб оламиз. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу муқаддас шаҳарнинг фазлини Аллоҳ таолога қасам ичиш билан таъкидламоқдалар. Бунинг устига, у зот Маккаи мукаррамага нисбатан бўлган муҳаббатларини ҳам энг гўзал иборалар билан изҳор этмоқдалар.

«Аллоҳга қасамки, албатта, сен Аллоҳнинг энг яхши ерисан ва Аллоҳнинг Ўзига энг маҳбуб ерисан».

Демак, Маккаи мукаррама энг аввал Аллоҳ таоло учун, қолаверса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам учун ҳам энг маҳбуб ер бўлган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккаи мукаррамадан чиқиш истаклари мутлақо бўлмаса ҳам у ернинг аҳли у зотни чиқишга мажбур

қилганлари учунгина чиққанлар. Мана шуларнинг барчаси Маккаи мукарраманинг фазли қанчалар улуғ эканлигига ёрқин далилдир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)